

Оrientировочная суточная доза кормления (на примере канального сома)

Средняя индивидуальная масса рыб, гр.	% от массы тела
10	5
20	4
30	3
ПО	2,7
230	2,5
350	2,2
450	2
650	1,7

ется защита.

Кормление рыб — процесс, обеспечивающий потребности рыб в питательных веществах для их роста. При высоких плотностях посадки (продуктивность более 10 кг/м³) рыбы могут питаться только искусственно вносимыми кормами, в этом случае естественная кормовая база не играет никакой роли в питании. Следовательно, нужны корма сбалансированные (т.е. содержащие достаточное количество протеина и всех необходимых витаминов, углеводов, жиров и микроэлементов для роста рыб и их жизнедеятельности) и не нужны никакие удобрения.

Тепловодным рыбам (канальный сомик, карп, тиляпия) в садках необходимы корма с протеином не менее 32%, другим сомам — 36%, холодноводным рыбам, некоторым окуневым, осетрам — не менее 40-42%. Молоди дают корма с более

высоким содержанием протеина по сравнению с товарной рыбой. При кормлении важно обращать внимание на размер гранул. У промышленных кормов в паспорте указано, на какие размеры данного вида рыб приготовлены корма. Размеры используемых гранул кормов зависят от размера рыб, т.е. по мере роста рыб следует переходить на более крупные гранулы.

Затраты на корма при интенсивном рыбоводстве — это самые значительные затраты в технологическом цикле, составляющие 50-70% от конечной себестоимости рыб. Рыбовод заинтересован, чтобы максимальное количество внесенных кормов попали рыбам. Внесение большего, чем требуется рыбам, количества кормов влечет за собой повышение себестоимости рыб. Кроме этого, не съеденные корма ведут к быстрому загрязнению воды ионами аммония и нитритами. Недостаточное внесение кормов влечет за собой медленный рост рыб.

Опытные рыбоводы предпочитают рассчитывать кормовой коэффициент. Для корректировки используют контрольные ловы (каждые 7-15 дней). Также необходимо знать массу зарыбленных рыб.

Б.ЭЛМУРАДОВА,
ТУИТ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Аквариум. Полный справочник: — Санкт-Петербург, Хар- вест, 2009 г. — 416 с.
2. Онтогенетические основы происхождения, эволюции и родственных отношений нототениевидных рыб: О. С. Воскобойникова — Санкт-Петербург, Наука, 2010 г. — 320 с.
3. Питание и корм аквариумных рыб: Т. А. Вершинина, В. Д. Плonsкий — Санкт-Петербург, Аквариум-Принт, 2012 г. — 144 с.

УУТ: 619.616.395.7.

УБК-ИХ-В ВА УБК-ИХ-Е 25 % ПРЕПАРАТЛАРИНИНГ ИНСЕКТИЦИД ВА АКАРИЦИДЛИГИНИ ЎРГАНИШ

There are highlighted the results of testing new insectoacaricide preparations produced by Samarkand buo plant. The preparation УБК-ИХ-В (UBC-CACH-B) and УБК-ИХ-Е (UBC-OF-E) had insectoacaricide effect on ticks and trihodectozes.

Республикамизда чорва молларини кўпайтириш ва улар-нинг махсулдорлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу борада муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, яъни чорвачиликда иқтисодий ислохотлар ўтказилмоқда, деҳқон, фермер хўжаликлари, хусусий чорва-чилик фермалари ташкил қилинмоқда.

Кенг тарқалган зоопаразитлар ва паразитозларга ҳамда одамлар ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг хавфли трансмиссив (ўлат, кана энцефалита, туляремия, геморрагик иситма, кана эндемик иситмаси, қайталовчи ва тошмали тиф, безгак, трипаносомозлар, лейшманиозлар ва бошқа кўплаб) касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи кон сўрувчи ҳашарот ва каналарга қарши курашнинг экологияга, одамлар ва ҳайвонлар соғлиғига, фауна ва флорага хавфсиз усул ва воситаларни тадқиқ ва жорий қилиш вазифаси қўйилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари аҳоли ва чорва молларини биопатогенлардан самарали ҳимоя қилиш чора-тадбирларини яратишга, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, унинг меҳнат унвондорлигини кўтаришга ва чорвачилик махсулдорлигини оширишга қаратилган.

Мақсад, “Ўзбиокмбинат” корхонаси тақдим этган УБК-ИХ-В ва УБК-ИХ-Е 25% ли концентрат эмульсия препаратларини табиий (спонтан) ҳолда зарарланган қорамолларнинг эктопаразитларига қарши синов тажрибаларини ўтказиш.

Терилган эктопаразитлар тури арахноэнтомология лабораториясида қўлланма ва аниқдагич жадваллар ёрдамида «Определитель пухоедов Mallophaga домашних животных»,

СЕРИЯ- УБК- ИХ- Е- 25% конц. 0,025% ли сувли эмульсияли препаратларини фирма дастури бўйича ўрганиб, препаратни эктопаразитларга қарши самарадорлиги бўйича синов тажрибаларини олиб бордик.

Илмий-тадқиқот ишлари эктопаразитларда, “Тепакшлок ва Ўртакишлок” маҳаллаларининг хўжаликларида табиий ҳолда зарарланган қорамолларда олиб борилди. Тадқиқот мобайнида 30 бош моллар эктопаразитлар билан зарарланганлиги кузатилди. Бу моллар танасидаги эктопаразитлардан намуналар олинди ва лаборатория шароитида микроскопик текширилиб турлари аниқланди. Бу ерда 10 бош мол Trichodectes bovis сочхўрлари билан зарарланган. Қолган 20 бош мол исод каналари билан зарарланганлиги маълум бўлди. Биз УБК-ИХ-В ва УБК-ИХ-Е препаратларини эктопаразитларга қарши синов тажрибаларини ушбу касалланган қорамолларда ўтказдик.

Биз УБК-ИХ-В ва УБК-ИХ-Е 25% конц.э. 0,025% сувли эмульсия препаратини керакли ҳажмда тайёрлаш учун қуйидаги формуладан фойдаландик.

$$X = \frac{A \cdot B}{C}; \text{ бунда,}$$

X- Ишчи эмульсияни тайёрлаш учун лозим бўлган техник препарат микдори (кг, л);

A- тайёрланиши лозим бўлган ишчи эмульсия (сувли

5 (43), 2016

«Атлас исодоидных клещей», «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека» ҳамда бошқа махсус манбалар ёрдамида аниқланди.

Биз “Ўзбиокмбинат” корхонаси СЕРИЯ- УБК ИХ- В ва

AGRO HM - D ZBEKISTON QISHLOQ XD1AUGI

эмульсия, с.э.) микдори (т.л)

В- тайёрланиши лозим бўлган ишчи эмульсия (с.э.) концентрацияси (фоиз,%);

С- концентрат эмульсиянинг фаол таъсир қилувчи мод- даси (фоиз,%):

Дастлаб УБК- ИХ- В 25% конц.э. 0,025% ли сувли эмульсиясини синовдан ўтказдик. Бунинг учун биз, 5 бош мол- лар Trichodectes bovis битлари, сочхўрлари билан зарарлан- ган молларда ва 10 бош Hyalomma (H. anatolicum, H. plumbeum, H.detrutum), Rhipicephalus(Rh.Bursa, Rh.turanicus) каналари билан зарарланган молларда тажриба синовлари- ни ўтказдик. Препаратнинг 25% конц.э. 0,025% ли сувли эмульсиясидан керакли ҳажмдаги ишчи эмульсияни куйи- даги тартибда тайёрладик:

$200\text{мл} * 0,025\% = 0,2\text{мл}$, 0,2мл препарат 200мл сувга, 25%

$1000\text{мл} * 0,025\% = 1\text{мл}$ 1мл препарат 1000мл сувга, 25%

$2000\text{мл} * 0,025\% = 2\text{мл}$. 2мл препарат 2000мл сувга. 25%

Trichodectes bovis сочхўрлари билан зарарланган 5 бош молга УБК- ИХ- В препаратидан 2 л/бош ҳажмда ишчи эмульсия тайёрланиб молларнинг танаси пуркаш усулида дориланди. Иксод каналари билан зарарланган 10 бош мол- лар эса 200 мл/бош ҳажмда, танасининг каналар бор жой- ига дори моддаси сепилди.

Дориланган моллар 3 кун давомида кузатилди, Trichodectes bovis сочхўрлари билан зарарланган молларнинг танасидаги паразитлар 3 кундан сўнг 100 фоиз нобуд бўлди. Hyalomma, Rhipicephalus каналари билан зарарланган 10 бош молларда эса 3 кундан сўнг каналарнинг оқариб тўки- лаётганлиги кузатилди. Препаратнинг эктопаразитларга қарши самарадорлигини ўрганиш мобайнида унинг тера- певтик таъсири 10-12 кунга, акарицидлик таъсири 10 кун- гача давом этиши аниқланди.

Сўнгра, УБК- ИХ- Е препаратини эктопаразитларга қарши синов тажрибаларини қолган 15 бош молда ўтказдик.

Trichodectes bovis сочхўрлари билан зарарланган 5 бош молларга УБК- ИХ- Е препаратидан 2 л/бош ҳажмда ишчи эмульсия тайёрланиб молларнинг танаси пуркаш усулида

дориланди. Иксод каналари билан зарарланган 10 бош моллар эса 200 мл/бош ҳажмда, танасининг каналар бор жой- ига дори моддаси пуркалди. Моллар 3 кун давомида кузатилди, Trichodectes bovis сочхўрлари билан зарарланган моллар танасидаги паразитлар 3 кундан сўнг 90 фоиз нобуд бўлганлиги аниқланди. Иксод каналари билан зарарланган 10 бош молларда эса 3 кундан сўнг каналарнинг ўлганлиги кузатилди. Препаратнинг эктопаразитларга қарши самарадорлигини ўрганиш мобайнида унинг терапевтик таъсири 10 кунга, акарицидлик таъсири 8 кунгача давом этиши аниқланди.

Препаратларни қўллаш жараёнида ҳаво ҳарорати +15+20° ни ташкил этди. Кузатувлар мобайнида дориланган молларнинг физиологик ҳолатида салбий ўзгаришлар кузатилмади. Ушбу препаратларни қўллашдан олдин, эктопаразитларга қарши бирон бир дори воситаси (кукун, кул- нинг аралашмаси) билан ҳайвон танасига ишлов берил- ганда препаратларнинг самарадорлиги етарлича бўлмади. Бундай ҳолларда ҳайвон танасини 7-8 кундан сўнг қайта дорилаш тавсия этилади.

Синов мобайнида шахсий ҳамда хусусий хўжаликларда- ги қорамолларни озикдантириш, озиқаларнинг тозаллиги, рацион ва уларни сақлаш шароитлари ҳам ўрганилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хўжаликлардаги чорва молларининг асосан Hyalomma (H. anatolicum, H. plumbeum, H.scupense, H.detrutum), Rhipicephalus (Rh.bursa, Rh. turanicus), авлодларига мансуб каналар билан зарарлан- ганлиги (касалланганлиги) аниқланди. Оз Trichodectes bovis билан кам зарарланганлиги кузатилди. Ушбу касалликлар- дан даволашда “Ўзбиокмбинат” корхонаси тақдим этган УБК ИХ- В ва УБК- ИХ- Е- (25% конц. эмуль.) препарат- ларининг 0,025% ли сувли эмульсиясининг инсектицид ва акарицидлик самараси мавжудлиги аниқланди. Кузатувлар мобайнида дориланган молларнинг физиологик ҳолатида салбий ўзгаришлар кузатилмади.

А. РЎЗИМУРОВОД,

Ветеринария фанлари доктори,
профессор,

М.РАҲИМОВ,

Ветеринария илмий-тадқиқот институти тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Благовещенский Д.И. “Определитель пухоедов (Mallophaga) домашних животных”. Фауна СССР. М.-Л.: изд. АН СССР, 1940.
2. Штакельберг А.А. «Синантропные двукрылые фауны СССР». Издательство академии наук СССР, Москва:- 1956.
3. Беклемишев В.Н. «Определитель членистоногих, вредящих здоровью человека». Государственное издательство медицинской литературы, Медгиз.Москва:- 1958,
4. Агринский Н.И. Насекомые и клещи вредящие сельскохозяйственным животным. Москва:- 1962.
5. Ганиев И.М., Аливердиев А.А. «Атлас иксодидных клещей» Издательство «колос» Москва. 1968 г.
6. Эргашев Э.Х., Шопулатов Ж.Ш. “Паразитология”, «Ўқитувчи наириёти», 1981 й.

УЎТ: 635.631; 524; 338.1

Сабзавотчилик. Боғдорчилик.

ШИРИН ҚАЛАМПИР НАВЛАРИНИНГ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

When planting scheme 70x20sm than 70x30sm regardless of grades, the yield was higher: in grades Dar Tashkent by 23.0%; Sabo at grade 29.0%, and Shodlik grade of 23.1%. The cost price of 1 ton of production at planting scheme 70x30sm was lower than when the scheme 70x20sm and production of sweet pepper profitability was higher in 70x30sm. Due to the high yields when planting scheme 70x20sm has got more conditional net income per hectare: the variety Dar Tashkent 1077 thousands sum; the variety Sabo 6580 thousands sum and the variety Shodlik 6440 thousands som.

Ширин қалампир озиқ-овқат сифатида халқхўжалигида катта аҳамиятга эга. Меваси янги узилган, тузланган, зира- ворлаб сиркаланган, консерва қилинган ва димлаб пиши- рилган ҳолда истеъмол қилинади, турли салатлар, соус- лар, паста ва ширалар тайёрлашда фойдаланилади(1).

Меваси таркибида қандлар, органик кислоталар, флаво-

ноидлар, витамин С, В1, В2, В6, Р, РР ва Е, каротин, фолат кислота, эфир мойи, ёғ, оксил, минерал тузлардан- калий, натрий, кальций, темир, алюминий, фосфор, ол- тингугурт, хлор ва бошқа моддалар бор(2).

Витамин С микдори бўйича сабзавот экинлари ичида чемпион ҳисобланади. Меваси биологик етилганда-368-535